

## АГРОСУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Қўлдошев Илёс Шухратович*

*ТДИУ PhD таянч докторант*

**Аннотация:** Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини суғурталашни ҳозирги кундаги ҳолати, ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатларнинг қишлоқ хўжалиги суғурталашда тутган йўллари ва уларнинг ҳозирги кунда еришган ютуқларини Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига тадбиқ этиш орқали қишлоқ хўжалигимиздаги кўриладиган зарарни максимал даражада камайтириш ҳамда фермер, деҳқон ва томорқа ер эгаларининг молиявий томондан ўзларини мустаҳкамлаб олиш йўллари ҳақида таклифлар бериб ўтилди.

**Калит сўзлар:** суғурталаш, суғурта қалтисликлари, қайта суғурталаш, суғурта компаниялари, тариф ставкалари, суғурта мукофоти.

**Annotation:** The current state of agricultural insurance in Uzbekistan, the ways of developed and developing countries in agricultural insurance and their current achievements in the development of agriculture in Uzbekistan Suggestions were made on how to minimize the damage and how to financially strengthen farmers, dehkans and landowners.

**Keywords:** insurance, insurance risks, reinsurance, actuarial calculations, insurance companies, tariff rates, insurance premiums.

**Аннотация:** Текущее состояние агрострахования в Узбекистане, пути развитых и развивающихся стран в агростраховании и их текущие достижения в развитии сельского хозяйства в Узбекистане. Были сделаны предложения, как минимизировать ущерб и как финансово укрепить фермеров, деҳкан и землевладельцев.

**Ключевые слова:** страхование, страховые риски, перестрахование, актуарные расчеты, страховые организации, тарифные ставки, страховые взносы.

Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда бошқа турдаги хўжалик юритиш шакллари тобора ривожланиб, мамлакатимиз аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда ўзининг салмоқли хиссасини кўшиб келмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш доимо табиий иқлим шароитларига боғлиқ бўлиб келган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қутилмаган табиий офатлар ҳамда кўнгилсиз ҳодисаларнинг учраб туриши ва бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий зарар қуриши баъзи ҳолларда иқтисодий қийинчиликларни бартараф қила олмай ўз фаолиятларини тугатишга мажбур бўлишмоқда. Бу турдаги муаммоларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини турғун ҳолда барқарор ва самарали фаолият юритишлари мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25-февралдаги ПФ-1713 сонли «Ўзагросуғурта давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил қилиш тўғрисида» ги фармониغا асосан ҳамда 1997 йил 6-мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 125 - сонли қарорига асосан «Ўзагросуғурта» компанияси ташкил этилиб, республикаимиз қишлоқ хўжалигини суғурталаш борасида ҳар бир вилоятда компания дирекциялари суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқдалар.

«Ўзагросуғурта» АЖ нинг қишлоқ хўжалигини суғурталаш борасидаги устивор йуналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- дехқончилик маҳсулотларини етиштириш буйича ишларни ўтказиш учун аванс тариқисида бериладиган маблағларнинг қайтарилишини суғурталаш;

- дехқончилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва маҳсулотларини ҳар хил табиий офатлардан ҳимоя қилиш;

- дехқончилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг қайтмаслик таваккалчилигини суғурталаш;

- юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизматини кўрсатиш, аҳолининг шахсий ҳамда мулкӣ манфаатларини суғурта йули билан химоя қилишни таъминлаш.

«Ўзагросуғурта» АЖ Республикамиз суғурта бозорида салмоқли ўрнига эга бўлиб, вилоятларда 193 та бўлинмалари орқали худудий ва жисмоний шахсларга 40 дан зиёд суғурта турлари билан суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида «Суғурта фаолияти туғрисида» ги қонун лойихасини амалга киритиш борасидаги муҳокамазида ўз фикр ва мулохазаларини билдирган ҳолда, суғурта бозорини ривожлантириш йирик ва молиявий бақувват суғурта ташкилотларини шакллантириш, бу борада ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитларни яратиб берилиши ва қўллаб-қувватланиши туғрисида кенг оммага таъкидлаб ўтганлар. Мамлакатимизда агросуғурта хизматини кенг йулга қўйиш мадсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги фармонида кўра «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилди. Ушбу фармонга асосан қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштирувчиларнинг мол-мулкни, экинлари ҳосилини, махсулот етиштириш учун тижорат банкларидан олинадиган мадсадли кредитларни қайтариш буйича жавобгарликни, шунингдек қишлоқ жойларида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларга суғурта доирасида хизмат кўрсатиш каби тадбирлар белгилаб берилган. Қишлоқ хўжалиги ривожига қўтилмаган табиий офатлар таъсир этиши доимо ўз исботини топган бўлиб, шунинг учун қишлоқ хўжалигини суғурталаш тадбирларини кенгайтириб бориш лозимдир. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида қуйидаги мол-мулк турлари турли-туман табиий офатлар ва бахтсиз ходисалардан суғурталаниши мумкин:

- қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (яйловлар ҳосилидан ташқари);

- қишлоқ хўжалиги хайвонлари, уй паррандалари, қуёнлар, муйнали хайвонлар ва асалари уялари;

- бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, куч берадиган, ишчи ва бошқа машиналар, транспорт воситалари, иш қуроллари, балиқчи кемалар, ов қуроллари, инвентар махсулот, хомашё - материаллар, кўп йиллик дарахтлар.

«Ўзагросуғурта» АЖ томонидан қишлоқ хўжалигини суғурталашнинг мажбурий ва ихтиёрий турлари амалга оширилмоқда.

№	I. Мажбурий суғурта турлари	Тариф
1	Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш буйича ишларни утказиш учун аванс тарикасида бериладиган ва фьючерс контрактлари буйича маблағлар кайтарилишини суғурта қилиш.	1,0 %
2	Тижорат банклари томонидан фермер хужаликларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришнинг маблағ билан таъминлашга бериладиган имтиёзли кредитлар кайтарилиши буйича тадбиркорлик хавфини суғурталаш	1,25 %
3	Қишлоқ жойларидаги транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.	0,5-2,0 %
4	Қишлоқ жойларидаги гаровга қуйилган мол-мулкни суғурта қилиш.	0,25 %
	II. Ихтиёрий суғурта турлари	
1	Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экинлари ҳосилини ихтиёрий суғурта қилиш	2-8 %
2	Қишлоқ хўжалиги экинларини қайта экиш натижасида олдиндан кузда тугилмаган харажатларни ихтиёрий суғурта қилиш	8-10 %
3	Қишлоқ хужалик хайвонларини табиий офатлар, турли касалликлар ва бошқа ходисалар натижасида	4-8 %

	<b>нобуд булишидан суғурталаш</b>	
4	<b>Боғлар ва узумзорлар хосилини табиий офатлардан суғурта килиш</b>	<b>8-12</b>
5	<b>Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг табиий пичанзорлари, яйловлари хосилини ва тут дарахтлари барглари сугурталаш</b>	<b>2-3%</b>
6	<b>Пилла хосилини суғурта килиш</b>	<b>1-2%</b>
7	<b>Лизингга олинаётган техникаларни суғурта килиш</b>	<b>0,5 %</b>
8	<b>Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкани суғурта килиш</b>	<b>0,5-4,0 %</b>
9	<b>Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан жунатиладиган юкларни суғурта килиш</b>	<b>0,4-4,0 %</b>

Қишлоқ хўжалик хайвонлари, уй паррандалари, қуёнлар, мўйнали хайвонлар ва асалари уяларининг, табиий офатлар, юкумли касалликлар, бахтсиз ходисалар туфайли халок бўлиши (ўлиши, мажбурий сўйилиши ёки йўқ қилинишига) суғурта ходисалари дейилади. Қишлоқ хўжалигига тегишли асосий воситалар ва айланма фондлар учун сув тошқини, бўрон, тўфон, жала, дўл, ўприлиш, ер ости сувларининг харакати, сел келиши, чақмоқ уриши, ер кимираши, чўкиш, ёнғин, халокатга учраш натижасида халок бўлиши ва зарарланиши;

кўп йиллик дарахтлар учун эса, юкоридагилардан ташқари қурғоқчилик, совуқ уриши, ўсимлик зараркунандалари ейиши натижасида халок бўлиши ёки зарарланиши оқибатлари бу суғурта ходисалари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нобуд бўлганда ёки зарар кўрганда етказилган зарар ҳажми барча майдондаги асосий экин (ёки экинлар гуруҳи) бўйича йукотилган ҳосил миқдорининг қийматига қараб аниқланади. Бунда ҳар бир гектар ҳисобига сўнги уч йил давомида олинган ўртача йиллик ҳосилдорлик билан, суғурта ходисасидан кейин олинган ҳосилдорлик ўртасидаги фарқ асос

бўлиб хизмат қилади. Сўнгги уч йил ва ушбу йилда амалда бўлган давлат харид бахолари (таққослама ҳолатга келтириб) қиймат кўрсаткичларини аниқлаш учун қўлланилади. Агарда қайта экиш ёки хатосига экиш ҳоллари содир бўлган бўлса, у ҳолда, қайта экиш харажатларининг ўртача қиймати ва янгитдан экиш натижасида олинган кўшимча ҳосилнинг ўртача қиймати ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалиги хайвонлари, уй паррандалари, қуёнлар, мўйнали хайвонлар ва асалари уялари ҳалок бўлганда етказилган зарар унинг ҳалок бўлган кундаги баланс (инвентарь) қиймати (ишчи хайвонлар бўйича эса амортизацияни ҳисобга олган қиймати) дан келиб чиқиб аниқланади. Молни мажбуран сўйилган тақдирда истеъмол қилиш мумкин бўлган гўшт ва тери қиймати зарар суммасидан чегириб ташланади. Асосий ва айланма фондлар бўйича зарар уларнинг баланс (инвентарь) қийматидан эскириш қийматини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Зарар суммасига мол-мулкни қутқариш ва талофатдан кейин уни тартибга келтириш билан боғлиқ харажатлар қўшилади.

Суғурталаниши лозим бўлган фуқароларнинг шахсий мулкига қуйидагилар киради:

иморатлар, уй-жойлар, дала уйлари, боғ-ховлилар, хўжалик иморатлари киради;

хайвонлар йирик шохли моллар, отлар ва туялар ва бошқалар;

Қишлоқ хўжалигини доимо ўз вақтида суғурта қилиб бориш орқали

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарор ишлашига ва уларни иқтисодий ҳимоя қилинишига асосий пойдевор яратилади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, бугунги кунда озик овқат захираси бўйича дунёда глобал инқизор хавф солиб турган бир пайтда, қишлоқ хўжалигини форс-мажор ҳолатларидан суғурта қилишга катта еътибор қаратишимиз логим, шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ходимлари билан замонавий техникалар билан жиҳозланишига алоҳида еътибор қаратиш

деб ўйлайман. Ота боболаримиз бежизга иш куралини созиб бўлса, машаққатинг оз бўлар дейишмаган. Ақилли кишилар хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш билан бир вақтда ҳам вақтдан, ҳам ҳосилдан ютишимиз ривожланган давлатлар тажрибасида кўрдик, бу тажрибалардан тегишлича хулоса чиқариб ўзимизнинг кафолатланган яъни суғурталанган хавфсиз кишилар хўжалик тизимини яратиб оламиз.

## Фойдаланилган адабийотлар рўйхати/

### Литература/Reference

#### 1. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 2014 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси - Т.: Ўзбекистон, 2008 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

#### 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

#### 3. Дарслик ва ўқув адабиётлари

5. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009. – 480 стр.

6. Гаврилова С. Страхование: Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010 г. – 304 стр.

#### 4. Даврий нашрлар (газета ва журналлар)

7. Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Развитие страхового законодательства республики // Бозор, пул ва кредит 2002. - №11-12. ст. 47.

8. Большинство страховых претензий удовлетворяется. – Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.

9. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г. С.1-2.

#### 5. Интернет сайтлари

10. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

11. [www.UzReport.com](http://www.UzReport.com) (“САИПРО” ахборот-рейтинг агентлиги).

12. [www.allinsurance.ru](http://www.allinsurance.ru) (Россия Федерациясининг суғурта бўйича сайти).